

АБДУЛЛАЕВ Равшан Вахидович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми
кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

Email: ravshan.v.abdullaev@gmail.com

ИСЛОМ ВА АНЪАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ В ИСЛАМСКОЙ И ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОНОМИКАХ

SOME ASPECTS OF SOCIAL PROTECTION IN ISLAMIC AND TRADITIONAL ECONOMIES

Аннотация: Ушбу мақола ислом ва анъанавий иқтисодиётларда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада ижтимоий ҳимоя инсоният жамияти пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлган доимий ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳодиса экани очиб берилган. Инсоният тарихининг турли давларида ижтимоий ҳимоя ўзининг мазмун-моҳияти ва шаклу шамойилларига кўра бир-биридан фарқли жиҳатларининг мавжудлиги тавсифланган. Анъанавий иқтисодиётда ижтимоий ҳимоя бир қатор йўналишларда таснифланган. Ислолда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада тадқиқ этилаётган мавзуга далил сифатида исломда ижтимоий ҳимояга оид Қуръони карим оятлари ва ҳадислар келтирилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя Акти, ижтимоий-иқтисодий категория, закот, ушр, хумс, жизья, хирож, садақа, садақои жория, байтул-мол.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу некоторых аспектов социальной защиты в исламской и традиционной экономиках. В статье социальная защита раскрывается как постоянно развивающийся социально-экономический и социокультурный феномен, существующий с момента возникновения человеческого общества. Описано существование некоторых различий в аспектах социальной защиты по ее содержанию,

сущности и форме в разные периоды истории человечества. Приводится классификация социальной защиты в традиционной экономике по ряду направлений. Освещены специфические аспекты социальной защиты в исламе. Также, в статье в качестве обоснования по исследуемой теме приводятся аяты Корана и хадисы о социальной защите в исламе.

Ключевые слова: Социальная справедливость, социальная защита, Акт о социальной защите, социально-экономическая категория, закят, ушр, хумс, джизья, хирадж, садака, садакаи джария, байтул-мал.

Annotation: This article is devoted to the analysis of some aspects of social protection in Islamic and traditional economies. The article reveals social protection as a constantly developing socio-economic and socio-cultural phenomenon that has existed since the emergence of human society. The existence of some differences in aspects of social protection in its content, essence and form in different periods of human history is described. The classification of social protection in traditional economics in a number of areas is given. The specific aspects of social protection in Islam are covered. Also, the article provides verses of the Koran and hadiths on social protection in Islam as justification for the topic under study.

Keywords: Social justice, social protection, Social Security Act, socio-economic category, zakat, ushr, khums, jizya, hiraj, sadaqa, sadaqai jariya, baitul-mal.

КИРИШ

Ислом иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя мавзуси доимо устувор аҳамиятга эга бўлиб келган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Зероки, ислом дини инсонларни тинч-тотув ва фаровон турмуш кечиришларига чақиради ҳамда Ер юзида кезиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишларига ва албатта, Аллоҳ томонидан уларга омонат қилиб берилган бойликлардан бир қисмини мухтожлар билан баҳам кўришларига буюради.

Ҳар қандай давлат томонидан юритиладиган иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади – ижтимоий адолатга таянган ҳолда, ушбу жамиятда яшаётган барча фуқаролар турмуш фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Инсоннинг инсонлар жамоаси томонидан ҳимояланиши у ёки бу кўринишдаги кишилиқ жамиятига, хусусан, инсонларга хос бўлган феномендир.

Ижтимоий ҳимоянинг илк шакллари қаерда ва қачон содир бўлгани ҳақида аниқ

маълумотлар йўқ, аммо, манбалардан бизга маълумки, ҳатто, ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳам ижтимоий ҳимоянинг примитив кўринишлари мавжуд бўлган. Жумладан, натурал хўжалик даврида ҳайвонларни овлашга, асосан, ёш ва бакувват эркаклар борган ва улар ўз навбатида, қабиланинг аёллари, болалари, қариялари ва ногиронларини озуқа билан таъминлаганлар.

Тамаддунлар шарофати ила ижтимоий ҳимоя муттасил тадрижий ривожланишда бўлди ва тобора мукаммаллашиб борди. Мазкур соҳанинг назарий жиҳатларини тадқиқ этган россиялик олима Г.В.Черкасская бу борада шундай баён қилади: “Ижтимоий ҳимоя инсоният жамияти пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлган доимий ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳодисадир” [8].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсоният тарихининг турли даврларида ижтимоий ҳимоя ўзининг мазмун-моҳияти ва шаклу шамойилларига кўра, бири-биридан фарқли жиҳатларининг мавжудлиги билан тавсифланган. Бироқ, шуни таъкидалаш жоизки, улар ўзаро қанчалик даражада фарқ қилмасин, уларни бирлаштириб турадиган бир эзгу ният ва хайрли мақсад борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг ночор ва муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Тарихан ижтимоий ҳимоя инсоният билан қадам-бақадам одимлаган бўлса-да, биринчи бор расман қонун сифатида эълон қилинганига ҳали кўп ҳам вақт ўтгани йўқ. Хусусан, 1935 йилда АҚШ ҳукумати томонидан “Ижтимоий ҳимоя Акти” қабул қилинган. Ушбу Акт ишчилар учун қарилик нафақалари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса қурбонлари учун нафақалар, ишсизлик суғуртаси, қарамоғида бўлган оналар ва болалар, кўр ва ногиронлар учун ёрдам тизимини ўрнатди. Таъкидлаш жоизки, “Ижтимоий ҳимоя Акти” том маънода ижтимоий ҳимоянинг барча масалаларини қамраб олмаган бўлса-да, у бугунги кунда барча демократик тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар учун намуна ва ўрнак бўла олади.

Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи доимо давлатимиз диққат марказида турган. Бош Қомусимизнинг

46-боби фуқароларнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унда шундай дейилади: «Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга» [9]. Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун юртимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришни таъминлаб беради [10]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу соҳадаги давлат фаолиятини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида қабул қилинган [11].

Илмий адабиётларда, айнан, “ижтимоий ҳимоя” сўз бирикмаси илмий термин сифатида биринчи бор россиялик социолог олим П.И.Новгородцев асарларида кузатилган ва у ижтимоий-иқтисодий категория сифатида атрофлича таҳлил қилинган [7]. Шундай қилиб, ижтимоий ҳимоя ижтимоий-иқтисодий категория сифатида жамиятда юзага келадиган ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатларнинг йиғиндисини қамраб олади.

Ижтимоий ҳимоянинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатидаги асосий вазифаси – ижтимоий хавф-хатарлар таъсирига тушган муайян шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга интеграциялашуви даражасини тиклаш ва агар улар ишлаб чиқариш қобилиятини тиклаган бўлса, инсоннинг меҳнат қобилиятини сақлаш ва оширишдан иборатдир. Шунингдек, ишлаб чиқариш қобилиятини тиклашнинг иложи бўлмаган тақдирда, уларга лозим бўлган барча инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилади.

Кишилиқ жамиятида ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши учун муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кишилиқ жамиятининг мавжудлиги ва унинг табақаланиши;
- ижтимоий маҳсулотнинг мавжудлиги ва унинг тақсимоти;

- жамиятнинг ривожланиш босқичларида юзага келадиган ижтимоий хавфларнинг мавжудлиги;

- айрим жамият аъзоларининг яшаш ёки мослашиш қобилиятининг бошқаларга нисбатан пастлиги (жисмонан, ақлан, психологик ва б.).

Ижтимоий ҳимоя иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, у кўпқиррали тушунча ҳисобланади. Анъанавий иқтисодиётда ижтимоий ҳимоя бир қатор йўналишларда таснифланади:

- **Мақсадига кўра ижтимоий ҳимоя:** Камбағалликка қарши кураш; даромадларни қўллаб – қувватлаш; жисмоний қобилиятни сақлаш;

- **Субъектига кўра ижтимоий ҳимоя:** Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш; ўзаро ҳимояланиш; ижтимоий ҳимояланиш; корпоратив ҳимоя; давлат ҳимояси;

- **Субъектнинг фаоллигига кўра ижтимоий ҳимоя:** Актив; пассив; мўътадил;

- **Субъектнинг масъулиятига кўра ижтимоий ҳимоя:** Индивидуал; жамоавий-солидар; гуруҳли-корпоратив;

- **Муддатига кўра ижтимоий ҳимоя:** Кечиктирилган; зудлик билан – ўша заҳоти; мунтазам тарзда;

- **Воқеа-ҳодисаларга кўра ижтимоий ҳимоя:** Касаллик ва туғруқ ҳолатида; ишсизлик ҳолатида; иш жараёнида бахтсиз ҳодиса шароитида; ногиронлик ҳолатида; ўлим ҳолатида;

- **Объектига кўра ижтимоий ҳимоя:** Шахс ҳимояси; оила ҳимояси; аҳоли тоифалари ҳимояси; умумжамят ҳимояси;

- **Молиялаштириш манбаига кўра ижтимоий ҳимоя:** Иш берувчи ҳисобидан; давлат бюджети ҳисобидан; суғурта компаниялари ҳисобида; хайрия ташкилотлари ҳисобидан; ҳомийлар ҳисобидан;

- **Ташкилий жиҳатдан ижтимоий ҳимоя:** Уюшган ва уюшмаган; ихтиёрий ва мажбурий; давлат ва нодавлат; ҳудудий, миллий, халқаро;

- **Даврийлик жиҳатидан ижтимоий ҳимоя:** Доимий; бир маротабалик; бир неча маротабалик;

Инсоният тарихининг турли босқичларида ижтимоий ҳимоянинг у ёки бу кўринишлари мавжуд бўлган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилган. Албатта, дунёнинг турли мамлакатларида

жорий этилган ижтимоий ҳимоя тизимларининг умумий жиҳатлари мавжуд бўлса-да, улар бир-биридан қайсидир жиҳатлари билан фарқ қилади.

Халқимиз минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида ислом дини таълимотлари асосида диний ва миллий қадриятларига таянган ҳолда катта тажриба тўплаган. Ушбу буюк меъросни изчил ўрганиб бориб, барча халқларда умуминсоний қадриятлар мавжудлигини, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш номини олган жабҳасида ҳам мавжуд бўлган муайян маълумотларни жамлаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга [5].

Ислом иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя алоҳида фан сифатида ўрганилади. Ушбу фаннинг аҳамияти ва бошқа фанлардан фарқи шундан иборатки, у ижтимоий иқтисодий категория ҳисобланган ижтимоий ҳимояни Ислом дини манбаъларига асосланган ҳолда аҳолининг, айнан, ҳимоя ва қўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш усуллариини ўрганади. Ислом динининг буюклиги, қонунларининг улуғворлиги, иқтисодий тизимининг инсон эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиши шариатда белгиланган ҳамда мақсади шахс ва жамият манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган бойликларни тақсимлашни эътироф этишда, айниқса ёрқин намоён бўлади [4].

Мусулмон дунёсида аксарият олимлар ислом дини арконларидан бири ҳисобланган *закот* жамиятда Аллоҳ таоло томонидан инсониятга берилатган неъматларнинг адолатли тақсимоотида бекиёс ижтимоий аҳамиятга эгаллигини эътироф этишади. Жумладан, Юсуф Қардовий таъкидлашича, ҳар қандай закот фондида қарзга ботиб қолган ночор мусулмон бандани қарздан халос қилишга аталган махсус банднинг борлиги исломда ижтимоий ҳимоянинг диққатга сазовор бўлган энг муҳим жиҳатларидандир. Шу билан бирга, унинг фикрича, исломда *байтул-мол*да тўпланадиган *закот*, *ушр*, *хумс*, *жизя*, *хирож* каби барча солиқ турлари, шунингдек, *садақа ва садақал жория*, *пировардида*, мусулмон умматининг оғирини енгил қилишга, бошига тушган кулфатини бартараф этишга қаратилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, уларнинг барчасини ўзида мужассам этган *байтул-мол* давлат ижтимоий

ҳимоя тизимининг ўзига хос самарали шакли сифатида намоён бўлган [3].

Закот, таъбир жоиз бўлса, исломда ижтимоий ҳимоянинг устуни ҳисобланади. Зероки, Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: **“Намозни тўқис адо этинглар, закот беринглар ва Пайғамбарга итоат қилинганлар. Шоядки раҳм қилинсангиз”** (Нур сураси, 56 оят) [1].

Намозни адо этиш билан бирга, закотни адо этиш ҳам мусулмон кишида бахиллик ҳиссини йўқотиб, қалбида меҳр туйғусини уйғотади, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ғамхўрликни кучайтиради, эзгу амалларга ундайди. Закотни рисоладагидек адо этмасдан туриб, моллари нисобга етган мусулмонлар ҳеч бир муваффақият ҳақида ўйламасалар ҳам бўлади. Қуръони каримда намоз ва закот биргаликда 27 жойда келган. Бу эса закотнинг аҳамияти нақадар юқори эканидан далолатдир.

Закотда закот берувчига ҳам, олувчига ҳам, улар яшаб турган жамиятга ҳам қўплаб дунёвий ва ухровий фойдалар бор. Шунингдек, у туфайли мулкдор тарафнинг қалби покланиб, руҳий томондан ўсиб бориши юзага келади. Набий (сав) шундай деганлар: **“Уларга билдиринки, Аллоҳ таоло зиммаларига закотни фарз қилгандир. Закотни у ернинг бойларидан олиниб, камбағалларига берилур!”** (Имом Бухорий ривояти).

Мусулмон тожирларини турли хавф-хатар ва бало-офатлардан ҳимоя қилган исломий суғурта - *такофул* ҳам ўз навбатида, қандайдир маънода, тижорат соҳасида ижтимоий ҳимоя вазифасини бажарган. VIII-IX асрларда савдогарларнинг қарвонлари манзилларига етгунича қўриқлаш хизматлари каби фаолиятлар ҳозирги суғурта муносабатларига замин яратган. Халифалик даврида, шунингдек, қарздорликни кафолатлаш ёки гаров сифатида бирор-бир қийматга эга буюмни қўйиш каби шартномалар бўлганки, буларнинг барчаси бугунги кундаги исломий суғурталашнинг сарчашмаси эканидан далолатдир [2].

Анъанавий иқтисодиётдан фарқли ўларок, исломда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос турларидан бири - бу *силаи раҳм* бўлиб, у узоқ ва яқин қариндошлар ўртасида меҳр-мурувват ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада Қуръони каримнинг “Исро” сураси, 26-оятда шундай деб марҳамат қилинади: **“Қариндошга ҳаққини бер!”** [1].

Пайғамбар (с.а.в.)нинг қўплаб ҳадислари силаи раҳмга бағишланган. Қуйидаги келтирилган ҳадисда шундай дейилади: **“Нафақа ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳлу аёлига бер. Агар яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларинга бер. Улардан ҳам ортса, бошқаларга бер”** [6].

Исломда ижтимоий ҳимояга мухтож кишиларнинг тоифалари Қуръони каримда аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган: **«Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мускинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошина қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир».** (Тавба сураси, 60-оят) [1].

Исломда инсонларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга даъват қилинади. Абу Зарр (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: **«Расулulloҳ (с.а.в.): «Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақа, яхшиликка буюришинг ҳам садақа, ёмонликдан қайтаришинг ҳам садақа, йўлдан адашган кишини тўғри йўлга солиб юборишинг ҳам садақа, кўзи ожиз кишига ёрдам беришинг ҳам садақа, йўл юзида ётган тошини, тиканни, суякни четга олиб қўйишинг ҳам садақа, челагингдаги сувдан биродаринг челагига қўйиб беришинг ҳам садақадир».** (Имом Термизий ривояти) [6].

Анъанавий ва ислом иқтисодиётларида ижтимоий ҳимоянинг умумий ва хусусий жиҳатлари, яъни улар ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд:

Ижтимоий адолат принципи ёки инсонийлик ва гуманизм ҳар иккала тизимда ўхшаш, боиси, ижтимоий ҳимоя қачон ва қаерда бўлмасин, унинг асосий ғояси инсонпарварликдир. Гуманизм Ер юзида Аллоҳ яратган барча жонзодлар ичида фақатгина инсонга хос хусусиятдир. Ушбу тамойил нафақат ижтимоий ҳимояга тааллуқли, балки у ҳар қандай давлат ёки жамиятнинг муҳим ва бош ғояси сифатида талқин қилинади.

Кенг қамровлилик, яъни жамиятда мавжуд бўлган турли қатламларни қамраб олиш; Анъанавий иқтисодиётда ҳам ўзига яраша муайян қамров бор. Аммо исломда қамров

бирмунча кенгрок. Масалан, қарздорларга қарзларини узиш учун ёрдам бериш, яъни йиғилган закотдан қарз миқдорида маблағ ажратиш фақат исломгагина хосдир. Шунингдек, мусофирлар ва илм аҳли, айниқса, толиби илмларга моддий кўмак бериб туриш ҳам исломда мавжуд амаллардан бўлиб, анъанавий иқтисодиётга оид бўлган ижтимоий ҳимояда эса бу тоифа инсонлар муҳтожлар тоифасига мансуб эмас.

Горизонтал - вертикал таъминот тизими, бевосита ва билвосита закот ва садақанинг тақсимланиши билан изоҳланади. Ислонда ижтимоий ҳимояга оид горизонтал тақсимотнинг устун жиҳати шундаки, у қуйи даражада, бевосита, эҳтиёжманд инсоннинг ўзига ҳеч бир тўсиқларсиз тўла-тўқис етиб келади. Лозим бўлганда, конфиденциаллик ҳам сақланади. Зероки, исломда қилинаётган яхшилик кўз-кўз қилиш учун эмас, балки Аллоҳнинг ризоси учун қилинди, акс ҳолда у риёга айланиб қолиши мумкин. Анъанавий ижтимоий ҳимояда эса горизонтал таъминот мавжуд эмас. Вертикал таъминот ҳар иккала тизимда ҳам мавжуд бўлиб, улар давлат бюджети ва байтул- молдан иборатдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, ижтимоий ҳимоя ҳам анъанавий иқтисодиётда, ҳам исломда, асосан, жамиятнинг муҳтож қатламларига йўналтирилган. Аҳолининг кам таъминланган камбағал қисми, ногиронлар, қариялар, боқувчисини йўқотган етимлар ва бошқа шу каби инсонлар тоифалари ҳар иккала тизимда ҳам ижтимоий ҳимоянинг объекти сифатида қаралади.

Шу билан бирга исломда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос жиҳатлари мавжудки, у анъанавий ижтимоий ҳимоя тизимидан, қандайдир маънода, устунроқдек назарга ташланади. Хусусан, исломда ижтимоий ҳимоя муҳтожларни нафақат моддий, балки маънан қўллаб қувватлаш, кўнглини кўтариш, унга таскин бериш каби амалларни ҳам назарда тутди. Бугунги кунда ижтимоий ҳимояга оид замонавий қонунларда ҳимоянинг маънавий-руҳий жиҳатларига эътибор қаратилмаган. Шунингдек, толиби илмлар, мусофирлар, қарздорлар ва қариндошлар ҳам анъанавий ижтимоий ҳимоя объектлари сирасига кирмайдиган тоифалардан ҳисобланади.

Ислом иқтисодиётининг ижтимоий ҳимоя соҳасини ислом дини манбаълари асосида чуқурак ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатлари ва тажрибасидан анъанавий иқтисодиётда, хусусан, анъанавий ижтимоий ҳимоя соҳасида самарали фойдаланиш жамиятимиз учун манфаатлидир.

Ҳозирда мамлакатимизда камбағалликни қискартиришга қаратилган чора-тадбирларни жадаллаштириш билан бир қаторда аҳоли, айниқса, ёшлар онгига миллий ва диний қадриятларимиздан ҳисобланадиган меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат ва саховатпешалик каби ғояларни мунтазам равишда сингдириб бориш лозимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Абдуллаев Р.В., Дусанов С.М. Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 95 б.
3. Беккин Р.И. Исламское страхование (такафул). – Казань: Казанский Университет, 2012. – С. 10.
4. Ботиров Б. Ислом ҳукукида инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид Куръони каримда келган нормалар таҳлили. Жамият ва инновациялар. Issue-1. № 02. 2020. – Б. 106.
5. Жалолдинова М.А. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий ҳимоя ривож, ислом ҳуқуқи жиҳатидан талқини.
6. Минг бир ҳадис: ижтимоий ҳимояга оид Куръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 30 б.
7. Новгородцев П.И. Право на достойное человеческое существование. – СПб., 1911.
8. Черкасская Г.В. Общая теория социальной защиты: предмет, источники, элементы, основные положения и закономерности, принципы и парадоксы // <https://cyberleninka.ru/article>
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрирда) // <https://lex.uz/docs/6445145>
10. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/112314>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/6624639>
12. Жалолдинова М.А. Ислом ҳуқукида ижтимоий ҳимоя асослари // <https://cyberleninka.ru/article/n/islom-u-u-ida-izhtimoiy-imoya-asoslari>